

Бегона Ўтларга Қарши Уйғунлашган Кураш Усулларини Кузги Бугдойнинг Ўсиш Ривожланиши, Умумий Ва Маҳсулдор Поялар Сонига Таъсири

Ш. А. Тешабаев¹, Д. Қамбарова²

Аннотация: Кузги бугдой парваришида, ғўза қатор орасига 15-20 см чуқурликда культиватор ёрдамида ишлов бериш билан бирга Гранистар плус гербицидини тупланиш даврида 25 г/га қўлланилганда, бегона ўтларни камайиш хисобига тупроқдаги озуқа моддаларни ҳам омиллардан фойдаланиш даражаси ортиб бориши натижасида яхши ўсиб ривожланиши кузатилади.

КИРИШ.

Дунёда пахта ва кузги бугдой етиштирувчи ривожланган давлатларда бегона ўтларга қарши курашишда, тупроққа ҳар-хил усулларда ишлов бериш билан бирга гербицидларни шудгор олдидан, чигит экиш билан бирга ҳамда ўсимликларни вегетация даври давомида қўлланилиши натижасида юқори самара бериши аниқланган. Пахта-ғалла навбатлаб экиш тизимида майдонларни фитосанитар ҳолатини биргина тупроққа ишлов бериш тадбирлари билан яхшилашга ҳар доим ҳам эришиб бўлмаслигини эътиборга олган ҳолда, гербицидларни бошқа агро тадбирлар билан биргаликда уйғунлашган ҳолда олиб бориш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Республикамызда ғўза ҳамда кузги бугдой экинларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш агротехнологияларини такомиллаштириш борасида тупроққа асосий ишлов бериш усуллари билан бирга гербицидларни турли хил муддат ва меъёрларида уйғунлашган ҳолда қўллаб тадқиқотлар олиб бориш жуда муҳимдир.

Тадқиқотнинг мақсади Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида ғўза-ғалла навбатлаб экиш тизимида ғўза ва кузги бугдой экинлари парваришланаётган майдонларда учрайдиган бегона ўтларга қарши уйғунлашган (тупроққа асосий ишлов бериш усуллари билан бирга гербицидларни қўллаш) ҳолда курашишда экинлардан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришни таъминлайдиган агротехнологияни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқ, кузги бугдойнинг “Краснодар-99” нави, Гранстар 75% ДФ, Гранстар плус гербицидлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб бир ва кўп йиллик бегона ўтлар, тупроқнинг агрофизикавий ва агрохимёвий хоссалари, тупроққа асосий ишлов бериш усуллари ҳамда гербицидларни қўллаш, кузги бугдойнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва сифат кўрсаткичларига таъсирини баҳолаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда кузатув ва таҳлиллар ПСУЕАИТИда қабул қилинган “Дала тажрибаларини ўтказиш” услубномаси асосида, тажриба вариантларида тупроқнинг агрофизикавий, агрохимёвий ва микробиологик хоссаларини ўрганиш “Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах” услубий қўлланмалари бўйича, олинган маълумотларнинг аниқлиги ва ишончилиги умум қабул қилинган Б.А.Доспеховнинг “Методика полевого опыта” услуби ёрдамида математик-статистик таҳлил Microsoft Excel компьютер дастури асосида амалга оширилди.

Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси

Кузги бугдойнинг ўсиш ривожланиши, умумий ва маҳсулдор поялар сони

Республикамызнинг турли тупроқ-иклим шароитларида етиштирилаётган барча ғўза, дон, дуккакли-дон ва бошқа экинлар каби, кузги бугдойнинг ўсиб, ривожланиши навнинг биологик хусусиятларига, табиий-иклим шароитларига: ёруғлик, иссиқлик, намлик, озиқа моддалар билан таъминланганлиги ҳамда олиб бориладиган агротехник тадбирларга узвий боғлиқ ҳолда ўзгариши кузатилади.

Ўтказилган дала тажрибаларимизда ғўза қатор орасига 15-20 см чуқурликда культиватор ёрдамида ишлов бериб, бегона ўтларга қарши гербицид қўлланилмаган 1-назорат вариантда ўсимликнинг бўйи июнь ойининг 1 кунига

¹ Қ.х.ф.д., (PhD), Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

² Ассистент, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

келиб ўртача 85,5 см ни, умумий поялар сони 457,8 м²/донани, шундан маҳсулдор поялар сони 381,5 м²/донани ташкил этгани ҳолда маҳсулдор пояларни умумий пояларга нисбатан улуши 83,3% ни ташкил этган бўлса, гектарига 20,0 г/га меъёрида Гранстар ва 25,0 г/га меъёрда Гранстар плус гербицидлари қўлланилган 2-3 вариантларда 1-июнь ҳолатига келиб ўсимликнинг бўйи ўртача 87,8-90,8 см ни, умумий поялар сони 468,4-481,3 м²/донани, шундан маҳсулдор поялар сони 400,3-420,3 м²/донани, маҳсулдор пояларни умумий пояга нисбатан улуши 85,5-87,3% ни ташкил этгани ҳолда назорат вариантыга нисбатан ўсимликнинг бўйи 2,3-5,3 см га, умумий поялар сони 10,6-23,5 м²/донага, маҳсулдор поялар сони эса 18,8-38,8 м²/донага, маҳсулдор поялар сонини умумий пояга нисбатан улуши 2,1-4,0% га, юқори бўлганлиги кузатилди.

Июнь ойининг 1 кунига келиб гербицид қўлланилмаган назорат 4-вариантда ўсимликнинг бўйи ўлчанганда ўртача 92,3 см ни, умумий поялар сони 469,2 м²/донани, шундан маҳсулдор поялар сони 394,9 м²/донани ташкил этгани ҳолда маҳсулдор пояларни умумий пояларга нисбатан улуши 84,2% ни ташкил этган бўлса, гектарига 20,0 г/га меъёрида Гранстар ва 25,0 г/га меъёрда Гранстар плус гербицидлари қўлланилган 5-6 вариантларда ўсимликларнинг бўйи 1-июнь ҳолатига келиб ўртача 94,9-96,3 см ни, умумий поялар сони 472,3-493,4 м²/донани, шундан маҳсулдор поялар сони 409,2-435,5 м²/донани, маҳсулдор пояларни умумий пояга нисбатан улуши 86,6-88,3% ни ташкил этиб, назорат вариантыга нисбатан ўсимликнинг бўйи 2,6-1,4 см га, умумий поялар сони 3,1-24,2 м²/донага, маҳсулдор поялар сони эса

14,3-40,6 м²/донага, маҳсулдор поялар сонини умумий пояга нисбатан улуши 2,5-1,6% га, юқори бўлганлиги кайд этилди.

Тупроққа ишлов бериш усуллари ҳамда гербицидни қўллаш ҳисобига майдонда мавжуд бегона ўтларнинг камайиши, ўз навбатида, ўсимлик яхши ривожланишига, умумий ҳамда маҳсулдор поялар сонига ижобий таъсир кўрсатганлиги кузатилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш керакки, кузги бўғдой парваришида, ғўза қатор орасига 15-20 см чуқурликда культиватор ёрдамида ишлов бериш билан бирга Гранистар плус гербицидини тупланиш даврида 25 г/га қўлланилганда, бегона ўтларни камайиш ҳисобига тупроқдаги озуқа моддаларни ҳам омиллардан фойдаланиш даражаси ортиб бориши натижасида яхши ўсиб ривожланиши кузатилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармони.
2. Ҳасанова Ф.М., Саломов Ш.Т. “Қишлоқ хўжалигида янги тежамкор агротехнологияларни жорий этиш” мавзусидаги халқаро илмий амалий конференция маърузалар тўплами. Т. 2011. Б. 258-259.
3. Тешабает Ш.А., Хошимов И.Н. “Ғўза майдонларида ўсувчи бегона ўтларга қарши уйғунлашган кураш” АГРО ИЛМ 2020 №1.Б. 57-59